

УСМОНЖОН ШУКУРОВ

# *Олма гули*

Шеърлар

Тошкент

Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти,  
1990

Шукуров, Усмонжон. Олма гули: Шеърлар—Т.Ада  
биёт ва санъат нашр., 198.—556.

Усмонжон Шукуров шеърларида самимият балқиб туради. Шоир дунёни меҳрибон ва оққўнғил одамлар тўла бўстонга айланишини орзу қилади. Утган уруш жароҳатлари ҳақида куйиниб ёзади. Оқибат ҳақидаги тасаввурларини ифода этади.

Шукуров, Усманджан. Цветок яблони:  
Стихи.

Ўз 2

Ш 4702570200—40 Доп. 88  
М352(04)—90

Усмонжон Шукуров, 1990 й.

ИҶ В № 5—635—00210—2



Барқут кеча. Тўлин ой порлаб  
Тўнар ёғду селини боққа.  
Райҳон бўйин, жамбил атрини  
Ел нозланиб урар димоққа.

Икки дилбар, навқирон, шўх жон  
Шуълага ғарқ, иқболидан лол...  
Таржимондай бу икки қалбга—  
Сирли-сирли шивирлайди тол.

Ошиқларга туннинг эҳсони—  
Бундай ширин лаҳза,  
Бундай тот.  
Ой-ой эмас,  
Кеча кўксига  
Гўё севги таққан мукофот!



Осмон тиниқ ёз кечалари  
Юлдузларга тўлар, чарақлар.  
Кўкка боқиб, ботин, хаёлан,  
Унутасан ўзни шу чоқлар.

Абадийдек туюлар умр,  
Шодлигинг ҳам билмагайдир чек.  
Юлдузлар-чи?  
Кўринар гўё  
Абадийлик суратларидек...

\* \* \*

Акам қайтди сафардан,  
Жангдан қайтган дадамдай.  
Соғингандик минг йилча  
Кўришмаган одамдай.

Дадам... энди қайтмагай,  
Яна ўрнин йўқлашдик.  
О, сен инсон дийдори,  
Қучоқлашиб йиғлашдик.

\* \* \*

Йўл бўйида бир тошни кўрдим,  
Дарз кетибди ўртасидан, дарз.  
Чумчуқкўзми, майсами, нозик—  
Ўсар тошни ёрганича тарс.

Майсамас бу тошнинг юраги,  
Сени кўриб ёрилган чиндан,  
Баҳор,  
Селдай тошиб келмоқда  
Тошни кўриб, ҳайрат ичимдан!

Эй, моҳирўй!  
Қалби баҳорим!  
Сенга қачон дуч келсам, билки:  
Гуллаш фаслим бошланиб кетар.  
Сезгандирсан сен буни балки...

Билмайсанки, кўзларинг эмас,  
Порлар кўннинг бор қуёшлари.  
Чарс-чарс ёниб ёрилиб кетар  
Қалбимдаги армон тошлари.

Йўл бўйидан ўтсанг, назар сол:  
Парчаланган,  
Ўтлар босган тош—  
Тошдай сабрим,  
Васлингни кутиб,  
Чок-чокидан сўкилган бардош.

\* \* \*

Мен уйғониб кетдим кечаси,  
Ой нафасин сезиб бошимда.  
Боғда мизгир келинчак гуллар,  
Уйгоқ анҳор ана, қаршимда.

Соқчилардай дарахтлар бедор,  
Мижжа қоқмай ҳушёр туришар.  
Ухламаган қизчалар каби  
Майса—ўтлар майин кулишар.

Сирга тўла барқут кечанинг  
Сеҳри дилни айлар девона.  
Ором олар борлиқ боладай,  
Ой ойнадир,  
Мунис бир она.  
У шаббода қанотларидан  
Хушлар тинчлик дарахларини.  
Сутдай илиқ шўълаларига  
Чўмилтириб гўдакларини. . .

\* \* \*

Авзойи бузилди,  
Феъли бузилди.

Саҳардан осуда, мовий осмоннинг.  
Беозор шабада газаблангандай. . .  
Бирдан булутларнинг гупурди қони.  
Чақмоқ қиличини чиқарди қиндан,

Ер-кўкни титратди момагулдурак.  
«Қиличлар жаранги» тутди борлиқни,  
Бериб мавжудотга баҳордан дарак.  
Бойчечак жилмайди,  
Бинафша кулди.  
Ғолиблар шодлигини тўшириб ёлга,  
Улуғвор курашлар фарзанди бўлиб,  
Баҳордай фасллар келар ҳаётга!

Урушдан-ку қайтди отамиз,  
Кўкси тўла ўқлар парчаси.  
Ортада қолди ёвғонсиз кунлар,  
Очлик, азоб, дўқлар—барчаси.

Бироқ... олиб кетди бари бир—  
Уни кеча топширдик ерга.  
Суратига топниб бугун,  
Суянаман хотира, шеърга...

Яхшиямки, онам бор, она,  
Гулдай назик шу қаддинг билан  
Даст кўтардинг йиллар юқини,  
Тутиб ўтдинг номингни баланд.

Кичраймоқда вужудинг аста,  
Озаймоқда кучу мадоринг.  
Чўкаётган буюк тоғ каби  
Кўпаймоқда бошингда қоринг.

Она, бошим силайсан ҳамон.  
Далда бериб руҳимга яна.  
Хотирага айланмайтур сен,  
Айланмайтур суратга, она...

## ИТ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

### I

Ўтсам-кетсам, ҳураверма, ит,  
Нотинчликка бўлаверма бош.  
Ўз жоним деб, ширин бўлса ҳам,  
Мен ўзгага отмагайман тош.

Қўй, йўлидан қолдирма мени,  
Занжирингни узмагин, жим бўл.  
Ишониб ҳеч топширилмаган—  
Сенга, кўплар ўтгувчи бу йўл.

Давринг келган эди, мартаба топдинг,  
 Пичогинг мойда-ю, ҳар кунинг ҳайит,  
 Яхши одамларни тишладинг, қопдинг,  
 Мисоли ҳовлида бойланмаган ит.

«Яхши ит ўлигин кўрсатмас» дерлар,  
 Яшадинг сен ёмон итдай, чамамда.  
 Тишларинг тўнилди, мадоринг кетди,  
 Яхши ит бўла қол энг сўнгги дамда.

\* \* \*

Рўмолинг учини тортқилаб, ўйнаб,  
 Оҳудек жонсарақ, безовта, бўйлаб,  
 Шафақдай қизариб, тишлаганча лаб,  
 Қаршимда туришинг ёдимдан чиқмас.

Пичирлаб дедимми, демадимми ё,  
 Қалбимни ёргудай бу янгроқ садо:  
 «Мен сени севаман, севадан мен, о...  
 Эрмаклаб кулганинг ёдимдан чиқмас.

Дединг: «Дали-гули бу бола, ажаб,  
 Пойма-пой оғзидаи чиқаётган гап».  
 Билки, шундай бўлар севиб қолган қалб  
 Дардимни билганинг ёдимдан чиқмас.

Ой исм, гул дудор, олма ёноғлар,  
 Корақўз қўшндай порлаган чоғлар,  
 Сенсиз жонимдаги ширии қийноқлар—  
 Умримга эврилган—ёдимдан чиқмас.

## СИЧҚОН ВА СИЧҚОН ИНИДАГИ ОДАМ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

(Болаларга)

«Ер қазаман,  
 Уй қиламан.  
 Бола боқиб  
 Тўй қиламан.»

Ез, куз бўйи  
Ғамлайман дон.  
Яшай дейман,  
Қийнамай жон.  
Каламушлар  
Авлодиман.  
Текинхўрлар  
Зурёдиман.  
Наслим тоза,  
Насабим зўр,  
Дашномларга  
Асабим зўр.  
**«Нўрсичқон»** дер:  
Баъзимизни  
Улар бузган  
Наслимизни.  
Бир вақт улар  
Зўр бўлишган,  
Ҳаддин билмай,  
**Кўр бўлишган...**  
Тан олмайман  
Мен уларни,  
Кўргим келмас  
Турқиларин...  
Биров билан  
Ишим бўлмас,  
Мушукларни,  
Жиним суймас.  
Ҳар кун тонгдан  
Ризқ излайман,  
Ширин овқат  
Жим истайман.  
**«Омбор»** тўлар,  
Кундан-кунга.  
Арпа, сули,  
Макка, унга...  
Турли-туман  
Темир-терсак  
Ёрай деди  
Тишни, еса.  
Қизиқмадим  
Олтин, зарга,



Ташимадим  
Шун-чун ғорға,  
Қоғоз, латта,  
Еғоч, пұчоқ,  
Қишиқ, қайиш  
Иирдим кучоқ...  
Кўряпсизки  
«Мол-мулким» кўп,  
Лек уйимда  
Иўқ милтиқ, тўп...  
Аввал-охир  
Дилдан гап шу:  
Уришмоққа  
Мен ҳам қарши...  
...Куни кеча,  
Бўлди зўр иш:  
Уйға кирдим  
Излаб болиш,  
Нимқоронғи,  
Кўрмас кўзим,  
Излаганим  
Борми ўзи?..  
Хона ичра  
Девдай нарса,  
Шивирлайди  
Яқин борсам:  
— Сичқон, бир сўз  
Айтаман, — дер,  
— Мени индан  
Ҳайдама, — дер.  
— Мана сенга  
Минг танга, ол  
Тинч жойингни,  
Кел, сота қол...  
Ҳайрон бўлдим,  
Тушимми бу?  
Ёки яқин  
Кишимми бу?  
— Кўнглим кенг-у,  
Уй тор, — дедим, —  
Бунда сенга  
Не бор? — дедим.

Тарсақини  
Тортдим шартта,  
Кўрсам; одам—  
Қорни катта...  
— Урма, — дейди  
Ушлаб кўлим.  
— Менга кун йўқ,  
Менга ўлим...  
Ташқарида  
Узгаришлар,  
Очилик кўп  
Ёмон ишлар,  
Ишларимиз  
Чаппа кетди.  
Қилмишимиз  
Бошга етди...  
... Кўзи хунук  
Ялтирайди.  
«Қочдим», — дейди,  
Қалтирайди.  
Сенга чин дўст  
Бўламан, — дер.  
Касбимиз бир,  
Биламан, — дер.  
Ташқарида  
Ховучлаб жон  
Эмиш: кўплар—  
«Дили вайрон».  
Бизнинг инга,  
Дўсту ёрлар,  
Кўпайибди  
Харидорлар...  
Сичқон бироз  
Ўйга толди,  
Сўнг калтакни  
Қўлга олди.  
Деди: «Хей, тур,  
Ўрнингдан тур!»  
Қўққис уни  
Туширди бир...  
«Бунда сенга  
Жой йўқ, йўқол.

Турмайсанми,  
 Бўлдингми, шол?!»  
 Одам шўрлик,  
 Бош қашлади.  
 Раҳим қил,—деб,  
 Кўз ёшлади,  
 Қулоқ солмай  
 Асло сичқон,  
 У одамни  
 Урди чунон.  
 Кейин индан  
 Судраб қолди,  
 Сўкиб ҳайдаб,  
 Гудраб қолди...  
 Ёзди шундай  
 Эшикка хат:  
 «Ким ноинсоф—  
 Бўлсин ибрат!  
 Қатъий дермиз  
 Биз сичқонлар:  
 Душманимиз—  
 Нопок жонлар  
 Олғир, қилвир  
 Кимки чиндан,  
 Умид узсин  
 Бизнинг индан!»

## ЎЛМАСЛИК ҲАҶИДА БАЛЛАДА

Шабада ёқимли, сарин шабада  
 Сочларимни силаб эсади гир-гир.  
 Бу энам қўлими дейман хаёлан,  
 Дадам нафасими бу жонбахш?  
 Не сир?  
 Тонгда шу ўй билан кетиб борардим,  
 Йўлда ингоҳимни тортди таниш чол.  
 Майсалар устига ҳассасия қўйиб,  
 Ариқ чеккасига экарди ниҳол.

- Ҳорманг.
  - Бор бўлинг, ҳа.
  - Хизматга, шундоқ...
- Кетдим.

Кўз олдимда солланиб қолди  
У қария бунёд этган кўм-кўк боғ.

Дратиб ўрганган бу чол бир умр,  
Ҳануз боғ қилишдан толиқмас бироқ.  
Ёқут олмалардай чеҳраси нурли,  
Ўрик гулларидай соч-соқоли оқ.

Шабада эсарди,  
Мен йўлда эдим.  
Ўтиб кетди, мана, неча бир йиллар.  
Чаманларни кездим, довонлар ошдим,  
Неча бор очилди боғларда гуллар.  
Мен қачон, қаерда бўлмайин, шаксиз,  
Меваги дарахтни кўрган чоғларим,  
Бағримга шабада тегар,  
Кўзимга—  
Кўринар нуроний чолнинг боғлари...

Умр абадиймас.  
Тонгги шабада  
Шомда ҳам эсмоқда...  
Юз йилдан сўнг ҳам...  
... Мангу тирик қолар  
Бор ҳаётини  
Она тупроғига бахш этган одам.

\* \* \*

Тўсатдан кечаси қор ташлаб қўйди,  
Ғафлатда қолдирди кўпларни бу ҳол.  
Тун гўё оқ гулхан.  
Оқ кўйлак кийган—  
Жажжи қизчаларга ўхшар ҳар ниҳол.

Қор кўкни тўлдириб ёғарди тинмай,  
Ерга парвоз қилган юлдузлар мисол.  
Миллион заррачага айланиб гўё  
Заминга оҳиста қўнарди ҳиллол.

Тоғлар ҳам ҳовлишга келиб қолгандай,  
Кўринарди яқин, оппоқ, сервиқор.  
Ҳатто деворларга, гувалакларга,  
Ажиб бир салобат бахш айланган қор...

Руҳим тиниқлашар қор ёруғида,  
Қалбим тўлиб-тошар тоза ҳисларга.  
Гўёки табиат ўтар эди дарс  
Покликдан бу кеча бедор бизларга.

Ғафлатда қолганлар уйғониб тонгда,  
Излар босилгандан шодланар беҳад.  
Билишмас: энг қора қилмишлари-чун  
Айбнома эрур бу қор—  
Бу оппоқ хат!

\* \* \*

### **(Мансабини суиъистемол қилганларга)**

Курсиман, елкамда кўтаряпман, бас,  
Оёғим қайрилса,  
Синдирияпсан гоҳ,  
Бу жой қаср эмас,  
**Мен эмасман тахт,**  
Бошингда тожинг йўқ,  
Сен эмассан шоҳ!  
Мени маломатга қолдирма, етар,  
Ниятим холисдир,  
**Холис хизматим,**  
Мансабдор!  
Қушдекдир эл хизматкори!  
Бу ҳолни, во ажаб,  
**Сенда сезмадим...**  
Вужудинг тошдегу,  
Гуноҳинг тоғдек,  
Номимга неча бор туширдинг-ку доғ,  
Оёғим қайирган ифлос қўлларинг,  
Шаънимни кирлади сендаги димор!  
Ғар бўлса, ҳушинг йиғ!  
Мен учун зўр бахт:  
**Яхшики, сен шоҳмас,**  
Мен эмасман тахт!

## МАЖНУНТОЛ

Қор учқунлар,  
Оқарар йўллар.  
Деворларнинг елкалари оқ.  
Рақс тушар ниҳол, гўёки —  
Оқ кўйлакли шодмон қизалоқ.  
Оппоқ боши ёруғ ўй-ла банд  
Ширин тушлар кўрар мажнунтол.  
**У**—ҚИШБОБО—сарҳисоб айлаб,  
**Ҳ**з умридан кўнгли тўлган чол.

## ҒАЗАЛ

**К**ел, эй номехрибоним,  
**М**ехрибонлик қил,  
**М**урувват кўрсатиб,  
**Ш**ирин забонлик қил.

**Т**илардим яхшилик сендан,  
Қилмадинг ҳеч,  
**М**енга ҳар қанча қилсанг,  
Сен ёмонлик қил.

**Ж**афолар кўрсатурда  
Кўп беомонсан,  
**В**афолар кўрсатурда  
Беомонлик қил.

**Т**ушса дил баргига  
Нигоҳинг шуъласи,  
**Б**у баргни шулавор эт,  
Моҳитобонлик қил.

**У**мидин узмас Усмон  
Ҳеч висолнигда,  
**У**мидин боғида сен  
Боғбонлик қил.

## Шухратга

Дарёдан эшитилар  
Мангуликнинг куйлари  
Ёзнинг оташ кунлари.

Дарёчи, ўспириндай  
Ўзин ҳар ёнга отар,  
Кенгликларни уйғотар.  
Дарёни тарк айламас  
Безовталиқ туйғуси,  
Туну кун йўқ уйқуси.

Чунки жуда серташвиш:  
Кўнарсан кир, ўтлоқлар,  
Гуллаб ётсан боғ-роғлар.  
Дарёнинг шиддатида  
Тоғларнинг салобати,  
Денгизларнинг саховати.  
Дарёнинг қалби дардли:  
Чирмоқлар кўримаса,  
Чаманлар қаримаса!  
Дарё қўшиқ айтади:  
Ёр-кўк унинг мафтунни,  
Хамма тушунар уни!  
Дарёнинг сийнасида  
Порлайди нузли олам,  
Мовий кўк олар ором.  
Гоҳ қилич, гоҳ чақиндай  
Ярқирайди тўлқини.  
Ойла балқар ёлқини!  
... Юракдан мен қилдим ҳис:  
Дарё эзгу ниятдир—  
У терақ шеъриятдир!

\* \* \*

Ҳовлимизга яқин ўрикзор боғ бор,  
Ҳар баҳор ҳайратга тушаман боқиб.  
Дастлаб оқ аланга чуяғар дафъатан,  
Сўнг яшил ўт борар борлигин ёқиб.

Ҳар лаҳза ловуллаб яшаётган боғ  
Шигил мевалардан ларзон шохлари.  
Барглари ой нурида шуълалар сочар,  
Сабода чайқалиб саҳар чоғлари.

Кузги хаёл босар дала—тузларни,  
Қор тушар тоғларнинг чўққиларига.  
Шунда ҳам ушбу боғ, қаранг, сарғаймас,  
Ёниб кириб борар қишнинг бағрига.

★ ★ ★

Қалин қор тугади.  
Музлар эриди.  
Орта қолиб кетди  
Қаҳратон куллар.  
Қалбда-чи?  
Ловуллар  
Хамон ўшанда—  
Кўзингдан чақнаган,  
Ишқий учқунлар...

★ ★ ★

«Жанг» тугади.  
Қочди «ёв».  
Осойишта лаҳзалар  
Танк зирҳин артар биров,  
Биров милтиқ тозалар.

Кимдир ётиб ёзар хат,  
Қўшиб сукут шавқини.  
Хиргойи қилар гоҳ пайт  
Сиядиролмай завқини.

Эниётлар қулоққа  
Юлдузларнинг нафаси.  
Кетар узоқ-узоққа  
Баргларнинг ашуласи.

Сарҳадда турар аска?  
Огоҳдир ҳар шарнадан.  
Осойишта лаҳзалар...  
... Ҳордиқ чиқарар Ватаи.

★ ★ ★

Баргич тўккан боғларга  
Олпоқ-ошпоқ урар қор.  
О, бу оқ ранг тўлдирган  
Олам қандай улуғвор!



Шу улугвор дунёнинг  
Дардин, эй дил, этгил ҳис.  
Қишда ҳам, баҳорда ҳам  
Бу боғлар гўзал, азиз.

Уфурар шу боғлардан  
Орзудай соф қор иси.  
Қор—соқин табиатнинг  
Шўх, бегубор кулгуси.

Замин куйлайди майин,  
Боғлар масрур, тинглар лол.  
Боғ—менинг мунис энам—  
Бошида опшоқ рўмол...

\* \* \*

Бегоналик соя солди ўртага,  
Муқаррарки, йўлимиз ҳам ўзгарур.  
Юрагингни тўкасан сен ўзгага,  
Менинг қалбим ёритади ўзга нур.

Киприкларга қалқимайди қатра нам,  
Соғинтирмас оқшомларнинг суҳбати.  
Юрагимдан боқар тенгсиз бир олам—  
Сен эмас, соф ёшлигимнинг сурағи!

\* \* \*

Гул атри таралар боғлардан,  
Гулпараст юраклар ёзилар.  
Ой ҳам гул баргига осилар—  
Аста, ҳориб келиб тоғлардан.

Гул барги оҳиста титрайди,  
Сув узра тўкилар ой нури.  
Гул билан бир ширин баҳс қуриб,  
Ой секин мудрайди...

## НОМОЗШОМГУЛ

Кечки пайт,  
Ҳовлида чўғдай ловуллар

Энам Ойимбунинг номозшомгули.  
Йўқ!  
Ўтли юракнинг учқунлари у—  
Тонггача ёнару тўкилмас кули.

★ ★ ★

Сен менга дафъатан  
Шундай ҳайқирдинг;  
Баҳордаги қорли кунлар бирида:

—Сенсиз ҳам яшайман.

Хайр.

Яхши қол.

Севинчининг гул тўла соҳилларида.

Билмайман:

Чорлаган сени қай манзил,

Ҳузуримга қайтдинг бир чор

Мисли қуш.

Сўнг ёпиқ эшикни қоқиб, мунтазир—

Очса, деб умид-ла турардинг хомуш.

Овозинг келади ёпиқ эшикдан,

Илтижо қиласан:

Адашдим.

Кечир.

Ой ботиб бормоқда.

Тақиллатма.

Бас.

Вақт ўтди.

Кечирмоқ мушкулдир,

Кечдир...

★ ★ ★

Мен сенинг ўзингга ишонгандим чин,  
Тим қаро кўзингга ишонгандим чин.  
«Гунчадек лабларинг ёлғонни билмас!»—  
Деб, ширин сўзингга ишонгандим чин.

Олтин деб топганинг қуммиди майда?

Оҳ, унга йўлиқдинг сен қайси жойда?

Меҳри юрагимни ёритган дилбар,

Вафо гавҳарингни йўқотдинг қайда?

## ДИЛИМДА МАВЖ УРАР ШОДЛИК

Кўзингда бир қуёш порлар,  
Юракда, жонона, жондирсан,  
На жонки, бир қиёси йўқ,  
Баҳоси йўқ жаҳондирсан.  
Бу оламда зиё қайда,  
Еруғ қайда, қувонч қайда?  
Зиё сенсан, ёруғ сенсан,  
Кўз олдимда аёндирсан.  
Баҳор тонгида боғлардан  
Ширин бир хуш насим эсса,  
Сочингнинг бўйи бор унда,  
Чаман ичра ниҳондирсан.  
Чечаклар кулсалар хандон,  
Дилимда мавж урар шодлик,  
Қувончим боиси—гулшан,  
Узинг хусни чамандирсан.  
Висолинг кўйида нурли  
Хаёлинг бирла сарҳушман,  
Ҳамиша манзуру мағрур,  
Ажаб бийрон забондирсан.  
Тиларман доимо Усмон,  
Қуёшдек кўнглини ҳар дам  
Чарагон айла меҳринг-ла,  
Муҳаббат бирла ёндир сен.

## УМИД

Гулбаҳор тонги, қалам,  
Ез ишқ деган мавзуда ҳам.  
Бўлсин ул наврўз каби  
Тугёнлигу осуда ҳам.  
Лоланинг бағрига ишқ—  
Чўғин, нетонг, солмиш қуёш,  
Шул сабаб япроғида,  
Ул нам тутар баргида ҳам.  
Сен қачон пинҳон нигоҳ-ла  
Ташладинг кўнглимга ўт,  
То ҳануз кўзимда сув,  
Оташ ёнар бағримда ҳам.  
Бу олов авжи баланд,  
Сўнмас умр сўнгигача.

Кўзларим сели унга  
Кор этмасу беҳуда ҳам.  
Лабларинг кўрдим неча,  
Гарқ қатра тер гулобига.  
Бир ажиб лаълким лабинг,  
Ёғду сочар у сувда ҳам.  
Гунча лаб, шеърим ҳаёт гули  
Каби этсанг қабул...  
Шу умид ўртар мени  
Унгимда ҳам, уйқуда ҳам...

### ЛАҲЗА-ЛАҲЗА

Келур оғзимга жоним лаҳза-лаҳза,  
Сени кўрганки оним лаҳза-лаҳза.

Кўзимдан тошди селдай, эй қаро кўз,  
Ёшиммас, ҳаяжоним лаҳза-лаҳза.

Нигоҳинг ёқди кўнглимни баногоҳ,  
Ёнар энди жаҳоним лаҳза-лаҳза.

Бу лаҳза сен ёнарсан, мен ёнарман,  
Бу қисмат беомоним лаҳза-лаҳза.

Самандар қуш каби ишқингда ҳолим,  
Ўтар ёнмоқ замоним лаҳза-лаҳза.

Демасман: сен лутф этмоқни тарк эт,  
Кўрай ҳуснингни, жоним, лаҳза-лаҳза.

Баҳордек беқарор феълинг, билурман,  
Баҳор эт бўстоним лаҳза-лаҳза.

\* \* \*

Сўз жуфтламоқ муаммо эмас,  
Лекин мушкул шеър яратмоқ,  
Қандай олар мисралар нафас?  
Сўз қалбини тингларми қулоқ?

Боққанмисиз тўрра, ширин сўз  
Юрагига етган кишига?  
Ўхшар унинг чеҳраси бесўз  
Офтобнинг жилмайишига.

«Мард сўзидан қайтмас» деган гап  
Элда яшар азалдан-азал.  
Сўзга кимки бермоқ бўлар чап,  
Умр бўйи ўтгувси ўсал.

Кўрмоқ керак қуёшга тоблаб,  
Сўзни тилга олиш чоғида.  
Муаламмасми сўзлагенда лаб?  
Зағламасми тигдай гоҳида?

Сўзлар борки, мисли қизил гул,  
Эшитсанг, шўх порлаб нетар кўз.  
Юзлаб фасл ўтса ҳам буткул,  
Хви атрини йўқотмас у сўз.

Сўз тераркан қайсини маддоҳ,  
Киришдим деб шеър ёзишга,  
Сўз вужудни зирқиратар, оҳ,  
Ногаҳон тош теккандай тишга.

Дардсизларни сўз дардли қилар,  
Дардлиларни ундан зиёда.  
Нисон қалбини ёритгувчи нур  
Энг аввало сўздор дунёда!

Нешудларга лапашанга ҳам,  
Сўзлардаги жасорат юксини,  
Қирин эри қўярган қадам,  
Нафрат тўла сўзга йўлицени!

Олов бўлсин сўзлар қенида,  
Шувъласини юлдузлар кўрсини,  
Шеърлар шеър ёсар оғида  
Дардли қалби тугънли бўлсини.

Ассб эмас, фикрлар тори  
Бўлсин тараф тортилган намон.  
Сўз гули-ла қалблар днёри  
Яшнаб турсин мисоли чаман!

## АЛДАНГАН ҚИЗ ШЕЪРИ

Сиз қўлимга тутқазган у гул  
Оловмиди, гул эдими рост?  
Гар гул бўлса, не бондан ул  
Дилга ботди тикандай бехос?

Хатто шу гул сўлмасдан туриб,  
Узоқлашиб кетдингиз лоқайд.  
Гул қўлимдан тўнмди қуриб,  
Ишонч уйим қулади шу пайт.

Агар бўлса гулларнинг тили,  
Сўзлаб берсин чўғдай ловуллаб.  
Агар бўлса сувларнинг тили,  
Бўзлаб берсин гувлаб, шовуллаб.

Илк учрашув гувоҳи шу сув,  
Илк бўсага шу чечак гувоҳ.  
Нечун поклик ошига оғу  
Ташламоққа ботиндингиз, оҳ.

Сўзлаб берар чўғдай ловуллаб  
Агар бўлса гулларнинг тили:  
Этганингиз ишқ боғим найҳон,  
Бўлганингиз ишқим қотили!

Лекин билинг:  
Бизнинг юраклар  
Қасдма-қасдга очилгучи гул.  
Энди унга қўл чўза кўрманг,  
Тикан бўлиб санчилади ул!

## АКТЕР МОНОЛОГИ

«Салбий образ яратиб оғир. Қийналаман».

Бир актёр сўзи

Бугун саҳнадамас, гримсиз, шундай,  
Дўстлар, юрагимни сизга ёрман.

Мана, неча йилки, истаЙ-истамай,  
Юрагимга қарши бораман.

Мени толиқтирар, ҳолдан тойдиар,  
Изтиробга солар, қийнар беомон.  
Жирканч қиёфага кирмоқ муттасил,  
Яшамоқ саҳнада бўлиб энг ёмон.

Юрагим жуда кўп талофат кўрди,  
Унда қотиб қолди лахта-лахта қон.  
Мен Абдуллатифман—нурни маҳв этган,  
Менга нафрат билан қарар оломон.

Кўзимга кўринар қонга бўялган—  
Отам боши—қуёш.  
Лабнатлар ҳамон—  
Авлодлар, то абад юзларим қаро,  
Тош отар бошимга келажак замон.

Хиёнат, маккорлик қилишим керак  
Дўстимга, Ягодек қалтис, нозик он.  
Зирқираб кетади ҳужайраларим,  
Отелло макримдан таслим қилар жон.

Пигирманчи йиллар...

Менман «кўрбоши».

Одамлар қаҳримдан топмаган омон.  
Бўри панжасидай мудҳиш қўлларим  
Эзгулик бўйнига чўзилар ҳамон.

... Тўймас, бу очофат нафс бозорида  
Қуртларга ем бўлди мендаги виждон.  
Балки кўргандирсиз мени қайдадир  
Мансаб курсисида бамисоли хон.

... Ҳар сафар юракка қарши боришим,  
Сизни қайтарарми юрагингизга?  
Агар шундай бўлса,  
Нафилман доим  
Оловдай гуркираб юрмагингизга!

Агар шундай бўлса,  
Нафилман сўзсиз,

Оз эмас, кўп эмас, кирасиз юзга.  
Аввало мен қуёш улуғворлигин,  
Поклигин тилайман юрагингизга!

Гарчи мен саҳнада салбий кимсаман  
Бари бир бу ҳолат қалбим яралар.

Юрагим ёрилса, бир кун, шунда ҳам,  
Сизни эзгуликка чорлаб ёрилар!

\* \* \*

Ҳар шоир қалбининг қўриқларида  
Нашф қилиб турса ҳар шом ё саҳар.  
Меҳнатдан манглайи шўрланган қишлоқ,  
Ё башанг кийинган азамат шаҳар,  
Зап олам бўларди шоирнинг қалби;  
Фасллар талашган,  
Тўлиб оққан сой...  
Ўту сув олишган, бетинч, безовта,  
Довуллар ухлამас беҳаловат жой.

Ўшанда ҳар шоир айтадиган сўз  
Кимга—ҳиммат,  
Кимга туюларди ўқ.  
Нопок кимсаларнинг иржит гавдасин  
Куйдириб ташларди бамисоли чўғ.

Ўшанда ҳар шоир айтадиган сўз  
Замин кўз ёшларини қўярди артиб.  
Ливанда нораства гўдакларни ҳам  
Ўқлар чангалидан оларди тортиб.

... Менинг ингроқларим тунғунмас асло  
Моғор босган диллар,  
Хира тортган кўз,  
Уларни парчалаб,  
Покламаскан то—  
Қилич каби кескир, нурдек тоза сўз!



## КУЗ ВА ҚИЗ

Сариқ япроқ теримчи қизнинг  
Сочларига илашиб қолди.  
Орқасидан дугоналари  
Қиз ҳолига кулишиб қолди.

Бу барг унинг ҳуснини очиб,  
Назокат бахш этгандай бир гул.  
Табиатнинг қўли-ла гўё,  
Малоҳатин оширгандай ул.

Пахта терар бу ҳолни сезмай,  
Ўз ўйи-ла ўралашган қиз.  
Чеҳрасига боқсам,  
Булоқдай—  
Дилда тошди бир бегубор ҳис...

Назаримда барқ урган Баҳор  
Қиз-ла шу чоғ турар юзма-юз.  
Сен синама!  
Сени у бошда  
Кўтармоққа қодирдир  
Эй, КУЗ!

## ЧЕГАРА

Икки кўшни ҳовлисини  
Ўртасида бир дарахт.  
Чегара байроғидек  
Ўзгвор турар ҳарвақт.

Кўшмаларининг барининг  
Қорни эмас, кўзи оч.  
Шу дарахт қуриса дер,  
Бўлса дер қуруқ ёғоч.

Иккинчиси соддадил,  
Дарё оқар бағридан.  
Сўзини юксак қўяди  
Жавоҳирлар баридан.

Биринчисин қўлида  
Ўткир болта, арраси.  
Дарахтга яқинлашиб,  
Дейди: «Ҳовли орасин—

Бузмоқда шу, қўшнижон,  
Келинг, кесиб ташлайлик.  
Инковимиз кенг ва мўл  
Бир ҳовлида яшайлик».

... Бошқа эди муддао,  
Пухта эди режаси.  
Қўшисин ҳовлисин ҳам  
Бўлмоқчийди эгаси!

Иккинчиси бармоғин  
Чеккасига тиради.  
Ғазабин ютиб бир зум,  
Қўшнисига қаради.

«Болтаю аррангизнинг  
Ғижирлатманг тишини.  
Серҳосил, кўркам, қаранг  
Қилманг номард ишини!»

Очкўз тўсатдан шу чор  
Болтасини кўтарди...  
Ерда кесилган қўлдай  
Мевали шох ётарди.

Очкўзнинг биллагидан  
Иккинчиси тутди шарт  
Ногаҳон ҳалокатдан  
Омон қолди шу дарахт!

... Бу дарахт яшайверар  
Вужудида яраси.  
Инсоф ва очкўзликнинг  
Абадий чегараси!

## ҚАТРАЛАР

\* \* \*

Одамийлик нима?  
Дўстлик нимадир?  
Кўздай иккисин айлайман қадр.  
Бири—бошинг узра порлаган офтоб,  
Бири чўқар чоғинг келган кемадир...

\* \* \*

Гоҳо майсаларда намлар йилтирар,  
Гўё майсалармас, шамлар йилтирар.  
Булар кинригимда шодлик томчиси—  
Кўзимиз учрашган дамлар йилтирар.

\* \* \*

Баҳор тонги.  
Ёмғир севалар эди  
Сўлим Андижоннинг гулбоғларига—  
Севинч ёшни тўқар илк муҳаббатим  
Гўё атрулнинг япроғларига...

\* \* \*

Имони бут, тоза кўнгил, янагин,  
Тоғдай вазмин, қушдай енгил яшагин.  
Минг бир тўсиқларни енгиб, қулатиб,  
Халқинг ардоғида минг йил яшагин!

\* \* \*

Ёмон! Сенинг умринг минг йил эмасдир,  
Балки, юз йил кечар,  
Балки нафасдир.  
Яхшилик томонга бир қадам ташла,  
Одам бўлишингга шу қадам басдир!

## ЮРАЕТГАН ТОҒ

Ветеран—ёши ҳам бир жойга борган,  
Жуссаен боладай миқти ва чоғроқ.  
Вужудида уруш тишлари синган—  
Ҳануз занглаб ётар...  
Сочи қордай оқ.

Қирқ йиллик хотира —оқ соч.  
Оқарган—  
Қиш-қировли кунлар,  
Қонли жанг кунлар,  
Бошига қўнғандар отир лаҳзалар  
Бўлиб зарра-зарра оппоқ кукунлар...  
Ветеран қартайган тоғни эслатар  
Зеҳн, меҳр билан боқсанг юзига,  
Нафасидан совуқ кунлар эриган,  
Мардона, тик боққан ВАҚТ кўзига.  
Шу боис кўксидан ярақлар «юлдуз»—  
Тун-кун жилоланар қалб шуъласидан.  
Йўқ, йўқ, унинг жасур юрагидан ҳеч  
Нурли нигоҳини узмагай ВАТАНИ.

Ветеран бир тоғда—Баҳор тўлган тонг.  
Баҳор қуши каби кенг ёзиб қанот,  
Улуғ хотиротлар ёмғири аро,  
Ўзга бир тупроқда суриб юрар от.  
Хаёлан босар у ўтган йўлларин,  
Энгашиб бўй олар гулдан, майсадан.  
Қизғиш япроқларини қафтига отар,  
Кўзидан қуйилар ёши дафъатан.

Ҳар дарахт—қадрдон сәфдошлари-ла  
Соғинч ҳисси билан суҳбатлашар, оҳ...  
Авайлаб силар ўз жароҳатларин  
Дарахтга қадалган бу дардли нигоҳ.  
Пичирлар:  
«Мен келдим қирқ йиллик йўлдан...  
Шабда юзларин сийғалаб ўтар.  
Заминни қучоқлаб жон берган ўктам—  
Мардларнинг руҳига у таъзим ётар.

Сўнг қаддин тик тутиб кетар йўлга,  
Қўбига йўл олган йўлчи ваби ул--  
Ватанга ошиқар.  
Набиралари—  
Унга пешвоз чиқар  
Қўлларида гул.

... Ветеран—ёши ҳам бир жойга борган,  
Жуссаси боладай миқти ва чоғроқ.  
Ҳайрат, ҳаяжонга солади ҳар гал  
Мени бу мўъжиза—  
Юраётган тоғ!

### ГАМЛЕТНИНГ ОТАСИ АРВОҲИ БИЛАН УЧРАШУВИ

— Ота, ҳақсиз,  
Энди ашладам.  
Кимнинг дили, кимнинг қўли қон.  
Фожиалар дарёси мени  
Ғарқ қилмоқчи бўлар бегумон.

Қотилингииз тирикдир, ота,  
У мени ҳам айлайди таъқиб.  
Гоҳ илон, гоҳ чаён бўлар у,  
Олса мени билдирмай чақиб.

Мен эл аро айлагайман фош,  
Мунофиқлар кирдикорларин.  
Токи ҳеч ким очофат нафс деб,  
Маҳв этмасин ўзин ёрларин.

Токи элга **«ақл сотгувчи»**  
«Мартабали», «Мўътабар» ҳар зот—  
Башараси кўриниб турсин,  
Таниб қўйсин келгуси авлод.  
Инсоф дея тушук сачратиб,  
Адолатдан ургувчилар лоф,  
Аён бўлсин: токи ўзлари—  
Эканлиги маккор, ноинсоф.  
Турфа найранг,  
Минг турли фириб,  
Минг хил гавго ўйлаб топарлар,  
Ота, ору номусин сотган,

Хушомадгўй аён, чопарлар...  
Клавдий ким?  
Гертруда ким?  
Кимга керак сохта мотамлар?  
Токи «Оҳ» деб алданишмасдан,  
Билиб олсин содда одамлар.

Мана, кескир қиллич қўлимда,  
Ҳой, парданинг орқасида ким?  
Эй, майдонга чиқмаганларнинг  
Қисматиدير ит каби ўлим!

Ҳирс қурбони,  
Севгифурушнинг  
Тили узун, илондай узун.  
Қандай тоқат қилайин, ота,  
Кўриб турсам уларнинг юзини!  
Қайтиш йўқдир энди бу йўлдан,  
Мен шамолга бермайман сўзим.  
Ота, севгим эътиқодимдир,  
Эътиқодга тилайман тўзим.

Риёкорлар ниқобларини  
Турфа рангга бўярлар, ажаб.  
Ўз жонининг роҳати учун  
Дўсти кўзин уярлар, ажаб.

Мени кўрса,  
Ранги оқарар,  
Ит таталар ичин беомон,  
Чунки ўшал кимса қулоғин—  
Бураб турар «бир хоним» ҳамон...

Севги надир,  
Садоқат надир!  
Билмас қалби басир кимсалар.  
Шундан, кулиб кузатиб турар  
Кимки ишқда ёниб-куйсалар...

Шундан, эл-юрт дарди, ташвиши,  
Изтироби улар-чун бир пул.  
Поклаб бўлмас уларни, ота,  
Улар билан курашмоқ маъқул...

... Қотилингиз минг бир кўз билам  
Уни мўлжалга олар,  
Хужум қилар пана-панадан,  
Дилим-ку қон,  
Бурним ҳам қонар.

Ота, қисқа шундай ҳам умр,  
Қош ораси деганлари рост.  
Шунинг учун пок руҳингиз деб.  
Разиллардан олурман қасос!

То Клавдий,  
Гертруда ким?  
Кимга керак сохта мотамлар—  
Токи «Оҳ» деб алданишмасдан,  
Билиб қўйсин содда одамлар...

\* \* \*

Бу фожиа қачон рўй берди?  
Бу чиннига дарз кетди қачон?  
Дездемона, бу не кори ҳол?  
Раингинг оппоқ, тупуриясан қон?

Бўйнинг узра ногоҳ чўзилган  
Бу қандайин даҳшатли илон?  
Дездемона, нега тилинг лол,  
Раингинг оппоқ, тупуриясан қон?

Отеллога гинам йўқ сира,  
Таънам йўқдир сенга ҳам, ишон,  
Дездемона, сарв қаддинг дол,  
Нега, дилбар, тупуриясан қон?

Қуёш шоҳид, ой гувоҳ балки,  
Сенда нурдай пок номус, имон.  
Дездемона, кўзингда савол,  
Нега, Дилбар, тупуриясан қон?

Мен Яғони кўриб турибман,  
Жангга кирдим, бермайман омон.  
Хиёнатни бўғаётгандай  
Отеллонинг авзойи ёмон...

Ориятдан, номусдан титраб,  
Уввос солар Отелло ҳамон...  
Дездемона, сени кўрмас у.  
Сен-чи, эвоҳ тупуриясан қон...

Жавоб топ, деб бизга қолдирдинг  
Саволларнинг сен барчасини.  
... Кимки ошиқ, йўқотмасин ҳеч  
Ишонч берган рўмолчасини!

\* \* \*

Яхши одам ўлар эканми,  
Ишонмайман бу хабарга ҳеч.  
Бу—одамнинг нурли умрига  
Ногаҳонда кириб келган кеч...

Ҳар тонг офтоб баркаши порлар,  
Едга солиб яхши одамни.  
**Шамол булут қувалагандай,**  
Кўнгиллардан аритиб гамни.

Тунда бошинг узра чарх,  
Кўршаналак—қайғу, қойнаҳой.  
Иккилаймай йўлинг ёритар  
Яхши одам каби тўлин ой.

Бахт гулининг жилмайишида  
Яхши одам нафаси бордир.  
Ҳақнинг ҳар бир ғалабасида  
Яхши одам мадади ёрдир.

## **БИР СЎМ ПУЛ ҲАҚИДА РИВОЯТ**

Ўтмишнинг тор кулбаси,  
Ўтмишнинг хор кулбаси,  
Эркаги бор кулбаси,  
Аёли бор кулбаси,  
Ўн йиллаб бир фарзандга—  
Тирноққа зор кулбаси.  
Бир тонгда сал ёришди,  
Гўё кўкдан ой тушди,



Иўлларга гул тўшалди,  
Армонлари ушалди:  
Таскин топиб ташна дил,  
Улар кўрдилар ўгил.  
Юпанчлари шу ўгил,  
Суянчлари шу ўгил.  
Дардга тўлган қалбларнинг  
Қувончлари шу ўгил.  
Оқ ювиб ўстирдилар,  
Оқ тараб ўстирдилар.  
Қаро, чақноқ кўзига  
Минг қараб ўстирдилар.  
... Ииллар ўтди,  
Ой ўтди.  
Неча ҳоким,  
Вой ўтди.  
Она борди  
Бир ёшга.  
Қор-қиров  
Қўнди бошга.  
Ота узоқ  
Ишлади.  
У ҳам ҳасса ушлади.  
Қўллари  
Қадоқ бўлди.  
Тоқати адоқ бўлди.  
Дастурхон узра оқшом,  
Бонлади шундай калом:  
—Камшир, энди қаридик,  
Мадор кетди,  
Ҳоридик.  
Қуёшдек равшан сенга,  
Хире қўймадим олтинга.  
Марварид, дур йиғмадим,  
Зўрлик-ла пул йиғмадим.  
Сену менадан бир ўгил,  
Эл-юртга қобил ўгил—  
Натта давлат—боримиз,  
Бойлигимиз—заримиз,  
Улғайди, кучга тўлди,  
Азамат йиғит бўлди.  
Умрим охирлаб қолди,

Кўзимдан нур йўқолди.  
У мендан кейин, шояд,  
Кечирсин яхши ҳаёт.  
Қолмай юпун, яланғоч,  
Бўлмасин нонга муҳтож.  
Дўстига зор бўлмасин,  
Душманга хор бўлмасин,  
Кўзим тирик то мени,  
Топсин ҳалол нонини.  
Эртадан қуёш кулмай,  
Катта йўлга бўлсин шай.  
Кетмон чошиб,  
Бўз тўқиб,  
Пул келтирсин  
Тер тўқиб,  
Кўп эмас,  
Бир сўм фақат.  
Меҳнатга қилсин тоқат.  
Оқ фотиҳа тилагин.  
Синаб кўрсин  
Билагин.  
... Она оғир тин олди,  
Сўзсиз ўтириб қолди.  
Сўнг рози бўлди ночор.  
Деди: «Болам,  
Оқ йўл, бор».  
У билдирмай отага,  
Емак солди халтага.  
Икки сўм берди пинҳон,  
Кўчага кузатар он.  
«Бир сўмга, — деди, — ўйна,  
Бир сўмни қўлдан қўйма.  
Сўрагач отанг оқшом.  
Бергин сақлаб эҳтиром»,  
... Кафтда тутгач онаси,  
Терламай пещонаси,  
Ўғил ҳам қайтди «ишлаб»,  
Бир сўмни қўлга ушлаб.  
Кўкда ёнғач юлдуз—шам.  
Хонага қўйди қадам.  
Чарчамаган,  
Кайфи чоғ,

Ота ёнида ўчоғ,  
Ловуллар ўтин, хашак,  
Ота сўради бешак:  
— Ер чопдингми,  
Жон болам?  
Пул топдингми,  
Жон болам?  
Ҳаммоллик  
Қилдингми ё?  
Юк ташиб,  
Толдингми ё?  
Ўғли кулиб  
Турарди.  
Қўлда пули  
Турарди.  
Отага тутди аста,  
Ота олиб бирпасда,  
Ўт ичига ташлади,  
Ўғли бошин қашлади.  
Ёнган пулига қараб,  
Ачинмади зарра ҳам,  
Ажабланиб, кейин жим—  
Чиқиб кетди.  
Ўқувчим...  
... Эртага ҳам шу аҳвол:  
Пулни ўтда ёқди чол.  
Неча-неча тонг отди,  
Онанинг боши қотди.  
— Ўғлим, — деди ниҳоят, —  
Бахтинг очилса, шояд.  
Бугун маҳкам бел боғла,  
Ўзинг хизматга чоғла.  
— Хўп, она, — деди ўғил,  
Тушунган эди ўғил...  
Иш излаб кездди қишлоқ,  
Ўтди боғ, дала, тошлоқ.  
Апирда,  
Кўрса, деҳқон,  
Сепар эди ерга дон.  
— Салом, — деди,  
Сўрашди.  
Сўнг кечгача қарашди.

Манглайи терлаб кетди,  
Кўйлагин шўрлаб кетди.  
Кўлда бир сўм пул билан,  
Очиқ, шод кўнгил билан  
Кириб келди ҳовлига,  
Борди ота олдига.  
— Маина, пулим, — деди у.  
Хушёр боқар эди у.  
Ота олдию аста,  
Ёқмоқ бўлди бирпасда.  
— Хизматим ҳақи бу пул,  
Ташламанг, — деди ўғил.  
Кўлин ушлади маҳкам.  
Ота жилмайиб шу дам,  
— Меҳнат ҳар они ширин.  
Меҳнатнинг пони ширин...  
Сендан энди гамим йўқ,  
Эртангдан ҳам кўнглим тўқ.  
Намол топ.  
Кўнаригин, ўс. —  
Доб, қувончдан юмди кўз.

\* \* \*

### Укам МУҲАММАД БОТИРГА

Укамим, бу дунё  
Кўрқоқларин ёқтирмас,  
Жасорат чечакларин  
Дуч келганга тақдирмас.

Сен тўғри сўз сўзласанг,  
«Ёлгон» дейди аллаким.  
Яраларинг тимдалар  
Малиҳам қўймоқ бўлиб ким...

Бўзишга тик боққанча,  
Ким ёзингга кўл солар.  
Юзида совуқ соя,  
Ким жонингга чанг солар.

Сен фикринг қуёшини  
Булутлар сари қарат.  
Кенг пахтазор, боғларга  
Туташган чаман ярат.

Сен паскаш, разил жонлар  
Ҳамласига бер жавоб.  
Ҳаётда кўпмас улар,  
Ҳара, ҳаво қандай соф.  
Қуёш доим музаффар,  
Ҳеч ҳавотир бўлмагин.  
Ботир бўлсанг,  
Бўл, аммо—  
Қоработир бўлмагин.

\* \* \*

Қалми қор қоплаган дала-тузларни,  
Новвотдай товланар нурда қоялар.  
Губор йўқ ҳавода,  
Осмон тип-тиник,  
Майдонда қорбобо ясар болалар.

Бирови чанада тортар укасин,  
Бирови конькида учар худди қуш.  
Барин кўзларида шодлик олови,  
Қалбида аланга,  
Қонида ёниш.  
Фисқу адоватдан тамом бегона,  
Араз, гиналар ҳам лаҳзалик, холос.  
Бу ширин, иттифоқ жонларга қараб,  
Шундай тилак фикрим банд айлади, рост:  
«Таниган чоғингиз оқни, қорани.  
Ёшингиз улғайгач,  
Ақлингиз тўлиб,  
Феълингизда қолсин софлик, адолат—  
Беғубор болалик бойлиги бўлиб!»

\* \* \*

Яхшики, бир сўзни айтмадим сизга,  
Соғчилар—тишларим очмади эшик.

Йўқса, чақмоқ каби бир сонияда  
Сизга етказарди бу тилим, бешак,  
Сизнинг қулоғингиз эшитмас уни,  
Қалбингиз ёнади ундан бир умр.  
Юракда қолади бу сўз то абад,  
Вужуд-вужудимга отганча томир...  
Бу сўзим бари бир сизга аталган,  
Сиз эса яшайсиз у сўзни кутиб.  
Мен эсам яшайман шу сирли сўзни  
Сўнги нафасгача байроқдай тутиб.

\* \* \*

Улуғбек дунёнинг ишларидан лол,  
Унсиз, ўз-ўзига беради савол:  
—Кимдир бу бошимда қилич кўтарган?  
Балки бу тушимдир,  
Балки бу хаёл...

Ана, нурсизланиб заҳил ой ботар,  
Бепарво қишлоқлар ғафлатда ётар.  
Бўғзимга ёпишган не балодир бу?  
Хатар бу,  
Жонимга қасд қилган хатар.

Аламдир, ичингдан ёв чиқса, алам,  
Жонимга кўз тиккан менинг ўз болам.  
Қизарган уфқмас, саҳарлаб қаранг,  
Дунёнинг ишидан айлаган нолам.

... Улуғбек жим қолди.  
Ҳаракатсиз тил.  
Қўлин яширганча чекинар қотил.  
Қаро юзин гўсар келажақдан у,  
Улуғбек нафрат-ла кузатаётир...

«Минг йиллар ўтса ҳам соғмисан ҳамон?  
Недир сени бунча асраган омон?  
Яна ким бошига бораяпсан, қайт,  
Яна ким тиг берди қўлингга, ёмон?!»

Улуғбек синдирди тигни зарб билан,  
Эвоҳ, у тиг эмас, экан бир илон...  
Ҳайратдан Улуғбек уча бошлади,  
Қоп-қаро қанотли зулматдан баланд.



Болаликда бўлган ажиб ҳангома  
Едимга келади беихтиёр гоҳ.  
Айтсам, кимларгадир ботар сўзларим,  
Виждоним олдида, айтмасам, гуноҳ.  
... Кўчанинг бошида уч-тўртта бола:  
Новча, паст, бақалоқ, қотма ва ориқ.  
Олмабош, бадқовоқ ҳам қовоққалла,  
Бугдойранг, сўйлоқтиш, сочи сап-сариқ...

Шулар орасида паст бўйли бири,  
Яна аниқроғи, қовоққалласи,  
Йўлимни тўсди-да, мақтана кетди:  
— Ваҳ-ҳа-ҳа, бўйи паст мендан ҳаммасин.  
Кел, бир ўлчашайлик сен билан ҳам бўй,  
Бари бир, сендан ҳам баланд тураман.  
Ҳоз турдим.  
Белимдан пастда қолди у.  
Бир сўз демайману  
Ичда куламан.

Во ажаб, ўзи ҳам менга қарагач,  
Бошидан дўпписи тушиб кетди-ку.  
Кўзимга чумчуқдай кўринди чоғи,  
Ҳолбуки, дўппига энгашганди у.

... Ҳаёт улғайтирди бизларни.  
Бугун—  
Баъзилар феълени кўриб баногоҳ,  
Болаликда бўлган ажиб ҳангома  
Едимга тушади беихтиёр, гоҳ...



Шохларда қуш ухлар  
Қуюқ тун аро,  
Ухлар япроқларга бош қўйиб насим.  
Дардли ўланчидай қирғоққа сигмай,  
Дарё қўшиқ айтар,  
Тошлар тинлар жим.

От узра чавандез мизгиган каби  
Фурсат бедовида тин олар гўё—  
Воҳалар,  
Далалар,  
Боғлар, водийлар,  
Ҳовлилар, жонзотлар—бу жумла дунё.  
Шу ҳурлик шу завқ деб,  
Осудалик деб,  
Чўчиб уйғонмасин эл деб ногаҳон,  
Батаи сарҳадларини қўриқлар бедор  
Тинчлик асварлари—минг-минглаб ўтлон...

... Бола ижиргинар юрак чангаллаб,  
Аёл кўз ёради—йўқотмоқда қон.  
Уларнинг бошида қуёшдай уйғоқ,  
Шифокор, ўзингсан ишончли посбон.

... Шоир, сен не дардга берурсан малҳам?  
Мадад бўлолурсан замонга қай он?  
Мудрамасми тирик ҳужайраларинг,  
Ҳақнинг сарҳадида турганда посбон?!

Совуқ шамоллардан сенинг сўзларинг  
Иҳота қилурми қалблар боғларин?  
Наъранг босолурми замбарак янглиғ  
Разил кимсаларнинг қалдироғларин?!

... Шоир сўзларини саралар вазмин,  
Ўт тўла кўзлари қизарган, ўткир.  
Қиличдай ярақлар сўзлари, қаранг,

Сўзлари қоғозга сачраган ўтдир...  
Сўзлари—қўллари,  
Сутдай кечада  
Ойнинг шуълаларин—ёр сочин ўрган.

Сўзлар— қалб яраси,  
Тирқираган қон,  
Сўзлар—дил оғриғи,  
Ҳақсизлик кўрган.



... Шоиr сўзни асрар бало, хуруждан,  
Нобакор кимсалар отса палақмон  
У ҳушёр, жанговар ҳолатда яшар  
Ҳақнинг сарҳадида тураркан посбон!  
Ухламас, гафлатнинг нақ юрагига,  
Разолат кўксига ургандай ханжар.  
Нур—эрку адолат, поклик йўғрилган  
Олов найза **кабу** сўзларини санчар!  
... Шоиrлар замоиrлар йўлчиларидир,  
Шоиrлар келажак элчиларидир.

\* \* \*

Мақтабда тантана,  
Зал гавжум.  
Меҳмон—  
Бўйнида галстуг.  
Инграйди куйлар.  
Болалар меҳмонга  
Эҳтиром билан  
Тутар даста-даста  
Анвойи гуллар.  
Бу жонли учрашув,  
Шаксиз, ёшларга  
Ҳаёт дарсларидан  
Сабоқ беражак.  
Чунки бу қария—  
Донишманд тарих.  
Бу ёшлар—баҳодир,  
Ўктам келажак!

\* \* \*

Дарахт танасида,  
Ой шуъласида  
Недир ярақлади қиличдай ногоҳ.  
Узоқ англайолмай толиқди кўзим,  
Тасмадан буралиб кетарди у гоҳ.

Бу қандай тилсим деб яқинроқ бордим,  
Учрашиб қолдим деб мўъжиза билан.  
Қаранг, у сўзларди дарахтга ёниб,  
Қаранг, у чамаси бир қулоч илон.

Қадрдон дер эди,  
Дўстим дер эди,  
Сиқарди бормисан, соғиндим, — деб чин.  
Дарахт эса сўзсиз,  
Инграган каби  
Ғижирлаб қўярди тебратиб учин.  
О. дарахт,  
Яхшики, томирларингни  
Қурита олмайди бундай «дўстларинг».  
... Енгил нафас олдим;  
Қуёш нурида —  
Кўриб жилваланган мовий кўзларинг.

★ ★ ★

## СИНОВ

(Поэма)

Оналар ҳақида кўп шеър ёзилган,  
Онадай барҳаёт кўплари ёдда.  
Ҳар сўзи минг йиллар юкин кўтарган,  
Онадай заҳматқаш,  
Онадай содда.  
... Мен ҳам онам умрин суратин чиздим,  
Қандоқ чиқди экан у фавқулодда...

### 1

... У ҳам гоҳ йиғлаган, қувонган, кулган  
Қайтмас болаликда, ёшлик ҳаётда.  
Оёқ яланг ёзда, аёзда,  
Бебошликдан эмас,  
Шўхликдан эмас,  
Чой ичган сув ташиб олис ҳовуздан,  
Оловликдан эмас,  
Чўғликдан эмас,  
Ҳаёт ўз йўлида этарди давом:  
Қатъий, тўғри йўлда, нур эди йўлдош.  
Кимдир баднафсликдан ўларди ҳаром,  
Кимдир ёвузликдан бағри эди тош.  
Онам ўшаларни кўрган пайтида  
Сўзларди юзма-юз, қиличдай кескир.  
Улар андишасиз, орсиз кимсалар,

Бирда жим қоларди,  
Хўмраярди бир...  
Тиклаб борар эди эл-юрт қаддини,  
Қуёш ҳарорати ортиб борарди.  
Мудраган қалбларни туртиб, уйғотиб,  
Қурашга чорларди яшашнинг дарди.  
Онам ҳам дуррасин солиб бошига,  
Ўза парваришлаб, кетмон урарди.  
Қанча кўп тер тўкса, ҳордиғи чиқиб,  
Боладай завқланиб бардам юрарди.  
Ҳаётда турфа хил одамлар бордир,  
Оёғин тагидан кўрмас нарини.  
Бири мақтанади пеш қилиб зўрин,  
Бири кўз-кўз қилар нопок зарини.  
Онамда на зўрлик, на зар бор эди,  
Бор эди пок юрак, соф ният, орзу.  
Вужудидан ғайрат ёғилиб нурдай,  
Гар тошга қўл урса, гулларарди у...  
Қуёшга ярашар шундай камтарлик,  
Шундай бегуборлик, шундай улуғлик.  
... Бу оддий аёлни,  
Фидойи жонни  
Дадам кузатарди меҳр-ла кулиб.  
Бирдан уруш...  
Ёвуз, қутурган девдай  
Гулгун Ватанимга бошлади ҳужум.  
Онам бир дадамга, бир бизга қараб,  
Бир чеккага бориб йиғлади юм-юм.  
... Тунда эшелонни кузатиб қайтдик,  
Онам кўзидан ёш қуйилар эди.  
Очликдан ҳам ёмон, тоғдан ҳам оғир  
Онамни йиғлатган, билмадик, надир...

## 2

Аёл садоқати агар чин бўлса.  
Пўлатдай мустаҳкам, нозик гул каби.  
Дарёдай ғайрати мавжланар тўлса,  
Чўяндай даҳшатли рақибга зарби.  
Чечакдай барг ёзса гар аёл меҳри,  
Ҳар қандай фаслдан яшнаб ўтар ул  
Уни сўлитолмас ҳижрон аёзи,

Уни синдирилмас шубҳадек довул!  
Аёл қаҳрланса,  
Бу куч олдида—  
Қабоҳат тоғлари қулар, чанг бўлар.  
Ғар аёл шаҳд қилса, ҳар қандай ганим  
Муқаррар енгилар, ҳоли танг бўлар.  
... Аёл хиёнатга юз тутса, э воҳ,  
Дарёлар, чамавлар қолмасми қуриб!  
Ой ҳам йиғламасми кўнда то саҳар,  
Рангин қони қочиб, бу ҳолни кўриб!

### 3

Мана, печа ойки, ёвнинг қўли қон,  
Ёнар ер, ёнар сув, ёнар қишлоқлар,  
Халиқлар иродасин бунмоқ учун у  
Кўмар тириклайин, осар қийноқлар...

### 4

Бунда биз; болалар, аёллар, чоллар—  
Тоғдан шомга қадар терга ботамиз.  
Онам афсоналар айтар тунлари,  
Бизлар кўсак чувиб ҳорғин ётамиз.  
Кундуз катталардай уйни тарк этиб,  
Арава ҳайдаймиз, гўза чопамиз.  
Ҳар шона, ҳар гулдан, бугдой бошоқдан,  
Ҳар илиқ сўздан бир илинж топамиз.  
Бир кун тайинланди янги бригадир,  
Экиси фронтга кетди.  
Чўғ эди.  
Онаси, аъзолар кузатди.  
Ота—  
Колхоз тузаман деб ўлган — йўқ эди.  
... Шундай, тайинлашди янги бригадир,  
Қўшни маҳаллалик навжувон аёл.  
Уни ҳурмат билан кутиб олдилар,  
Холис ишбоши деб қилдилар хаёл.  
Олтин тобланарди давр ўтида,  
Олмос синаларди мисқолма-мисқол.  
... Ишчилар ризқини қия бошлади  
Ишчилар бошига кўтарган аёл.

\* \* \*

Бир кеч—ҳамма ишдан қайтгач даладан.  
Мени ўз олдига чақирди.

— Гап шу.

Ақлли йигитсан,  
Аҳволинг ночор,  
Ним макнор—қийналмай яшаб қолар у.  
Ҳар кун иш ҳақингни қўшиб ёзаман.  
Бу ҳақда тиш ёрма онангга ҳам, ҳой.  
Менинг ҳам пичоғим мой устидано,  
Сенинг ҳам уйингга тўлади бугдой.  
Мен лом-лим демадим.

Ахир қорин оч.

Миямда чарх урар минг турли хаёл.  
Гўё онам хурсанд,  
Бошим силаб дер:

— Хўп де,

Ва ҳеч кимга оғиз очмай ол...  
Йўқ, йўқ, онам тили бормас бу сўзга!  
Агар мен шу йўлни адашиб тутсам,  
Балки воз кечарди мендай ўғилдан,  
Ёлғиз қолиш қанча оғир бўлса ҳам!  
Дадам, акаларим ҳижрони балки  
Унга куч берарди, берарди мадад.  
Менинг орттирган бу ногоҳ «гуноҳим»  
Вайрон этар эди кўнглин беадад.  
Балки юрагини чангаллаб қўққис,  
Бу хил хиёнатга беролмасди дош.  
Балки тарс иккига ёрилармиди,  
Юраги мабодо бўлса ҳамки тош.

... Мен лом-мим демадим.

Бунча меҳрибон—

Менга, фақат менга бу мағрур аёл?  
Оддий колхозчиман кўплар қатори,  
Менинг ҳам елкамда давр юки бор...  
Саволлар игнадек санчилар бошга,  
Наҳотки бу аёл шунчалар нопок?  
Минглаб арслондек ботир йигитлар  
Наҳот шуларни деб бўлмоқда ҳалок?!  
Қайдан олиб берар қўшимча донни?  
Бошқагамас, менга бу ҳиммат нечун?  
Буни кўпчиликдан сир тутар нега?  
Олов туташгандай ёнарди ичим.

... Эсладим.

Англадим чоғи боисин,  
Қўшимча ҳақ нечун ва ортиқча дон.  
(... Баъзида энг чиркин қиёфасини  
Гўзал либос билан безагай инсон.)  
Мен кўриб қолгандим уни шийпонда,  
Саҳар, тонг кулмасдан далага бориб.  
Ҳосилот ўпарди, қучоқлар эди,  
Сарвден қоматин бағрига олиб.  
Не ҳол бу!

Бунчалар эрта чиқдим мен?  
Бийрон боллари бор.

Эри фронтда.

... Шартта жўнаб кетдим гўза оралаб,  
Ҳосилот ҳам кетди ҳарсиллаб отда.  
Не ҳол бу!

Одамлар ишонса ҳалол

Дала—гўзасин шу ювуқсиз жонга.

Зирқираб кетмасми сахий далалар

Юз босган чоғлари жирканч товонга?!

Афсус, йўқ эди-да, қўлимда қилич.

Автомат йўқ эди елкамда, афсус.

Кимдир буюрарди:

—Қаршиингдаги ёв,

Эл шаънин кирлаган!

Қилич сол, ўқ уз.

## 5

Тушликка йиғилди аъзолар ҳорғин,

Ваъз айтди у-будан бригадир аёл:

«Биз деб қон тўкмоқда ёр-дўстларимиз!»

«Фидокор бўлайлик.

Бўлайлик ҳалол!»

Жоним халқумимга келиб тиңилди.

Эслаб «саҳоватин», тинглаб сўзйни.

Ёмғирда ювилган баргдек беғубор

Қилиб кўрсатарди элга ўзини.

«Биламан, сиз очсиз, тишлам нонингиз

Жангчи ўғлонларга жўнатмоқдасиз.

Жон олиб-жон бериб бир мақсад учун

Ёвларга шу жойдан ўқ отмоқдасиз».

—Бас,—дедим,—бас қилинг, ярашмас сизга

Бу эзгу сўзларни олмоқлик тилга.

Сўзда ҳам, ишда ҳам пок бўлмоқ керак  
Эзгу сўз айтмоқ-чун заҳматкаш элга!  
Кейин бари гапни айтдим.  
Аёл жим...  
Номус дарёсига бўлган каби ғарқ...  
... Ҳар ким ўз ишини билиб қиларди,  
Титраб айланарди ўз ўқида чарх.

## 6

Эслайман дадамнинг ўша гапини,  
Вужудимни эзиб борар оғир ўй:  
(Бригадир аёлни билганмикан у?)  
«Барча аёл...  
Таъбни хира қилма, қўй».



Эй сиз, садоқатнинг оддий ҳайкали!  
Юксак туга билган ори, шаънини!  
Мангу чечакларга буркаган сизсиз  
Йигитлар қалбининг гулшанларини!  
... Дадам кўрдим дея ҳикоя қилар  
Турли мамлакатда турфа хил ҳолни.  
«Кўрдим ҳамма жойда бирдай фидоий  
Азиз тупроғига содиқ аёлни!»  
«Заъфар шуълаларин таратган чоғ ой  
Ё қуёш кўрсатмай ҳали нурли юз,  
Украин аёллар кутиб турарди,  
Қўлларида сават, бемажол, маъюс.  
Бири сут келтирар, бошқаси пишлоқ,  
Кимдир картошкани, кимисидир нон.  
Гўё ўзларини тамом унутган,  
Озгина куч берса, озгина дармон...  
Қишлоқлардан ўтиб борган чоримиз  
Хайр-хўшлаларди кўз ёши билан.  
Агар керак бўлса, сақларди бизни  
Жонларини тикиб, ўз боши билан...»

## 8

Уруш-ку тугади,  
Азоби эмас,  
Дадам тирин қайтди.  
Икки акам йўқ.

Дадамнинг кўксига ўқ парчалари—  
Булар нақ юракка мўлжалланган ўқ.  
Ёв билан юзма-юз жанг чоғи улар  
Бир майдонда эди.

Хатто ёнма-ён.

Жанг тугаб, қидирса, болаларини  
Икков ётарди бошдан сизиб қон...  
Навқирон жонларга, гул диёрларга  
Ҳар нафас, ҳар лаҳза кўз тиккан ўлим—  
Тирнаб, зирқиратиб ўтди юрагин,  
Дадам ер бағирлаб ингради: «Ўғли-м...»  
У икки ўғилни ўз қўли билан  
Қаро ерга қўйди.  
Бу қандай шўриш?!  
Бу қандай мусибат:  
Қирқ йилки, ҳамон—  
Унинг юрагига кўз тикар уруш...

## 9

Бир кун келиб етди онам қўлига  
Бирмас, бирданига икки қора хат.  
Онамнинг кўз нури ютди бу хатлар,  
Лек умид узмади: «Келарлар албат...»  
Бу хатлар кундан-кун вужудин эзиб,  
Қаддин камон қилди,  
Сочларин оппоқ.

Унинг ярим умрин, қўш юрагини  
Ёв аниқ нишонга олганди бироқ.

Кунлар ўтди.

Кунлар абадийликнинг

Сирли саҳифасига дастхатин битиб.

Ўғиллари етиб кела олмаган

Кунга онам етди мардларин кутиб.

## 10

Тунда учрашувдан қайтарди йигит,  
Ойнинг шўълалари ўйнарди баргда.  
Яшаш гўё фақат шодлик, учрашув...  
Висол завқи қайнаб тошар юракда.  
Йўлда бир мўйсафид борарди оқсаб,  
Қайсидир чорловдан,  
Қўлида ҳасса.



Эгнидаги китель ярақлагандай,  
 Кўкси тўла орден, шундай қараса.  
 Кўнгли тусаб яёв юрмоқни бу гал,  
 Сутдай кечада у келарди аста.  
 Сокиа кенгликларни қузатиб мамнун,  
 Нурли ойналарга боқиб ҳавасда.  
 У ўзин поёнсиз ўйи билан банд,  
 Ўзининг бахтидан сархуш ўспирин.  
 Бир лаҳза тўхташди саломлашган пайт,  
 Ногоҳ кўзи кўзга тушгач бир-бирин.  
 «Ким экан бу йигит хушхулқ, боодоб?»  
 Қайдадир кўргандай, чехраси таниш.  
 Нечун қалб торларин тебратиб ўтди  
 «Салом» деб янграган бир оғиз товуш!  
 Улар беихтиёр қўл олишдилар,  
 —Йўл бўлсин, отахон, танҳо яёв, кеч?  
 «Ота деган сўзни мўйсафид эса  
 Кўпдан бу оҳангда эшитмаган ҳеч.  
 —Учрашувдан, ўғлим, Ветеран дея,  
 Сўхбатга чорлабди талаба-ёшлар.  
 Кўнглингга келмасин, мақтаниш эмас,  
 Эҳ-е, не кунларни қўрди бу бошлар...  
 ... Учрашув.  
 Не чоғли сеҳрли дам бу!  
 Лаҳзаси умрнинг тотли парчаси.  
 Хусусан, севгида.  
 Яхши кўз билан—  
 Боққандай еру кўк—барча-барчаси...

\* \* \*

Йигит йўлига чиқар қақроқ чўл сари,  
 Жиззахнинг даштлари кутмоқда муштоқ.  
 Унда замин билан тил топишар у,  
 Унда ер очади, яратади боғ!  
 Моҳирўйдан олган бўсаннинг тоти  
 Лабда.  
 Тамшанар эслаган сари.  
 Қалбида ишқ ўти шунча ловуллар  
 Қанча узоқлашса висол онлари!  
 «Моҳим ҳам кечага қатнашганида  
 Садоқат ҳақида сўрарди ёзиб.  
 Сўрарди: «Умрининг мазмуни неда?»

«Ёшликка нималар бўла олур зеб?»

«Қизиқ киши экан.

Чарчамас, очиқ.

Дарров сеҳргардай қилиб олар ром».

Йигит туш кўргандай ҳушин йигди-ю,

Чолга қулоқ солди сақлаб аҳтиром.

★ ★ ★

Гиж-гиж савол экан ёшларнинг ичи:

— Разведида неча тилни тутгансиз?

— Немис оналар ҳам йиглар эканми,

Ўғли «ўлдирма» деб чўкканида тиз?

... Суҳбат қизигандан қизиб шу асно,

Ветеран сўзидан тўхтади ногоҳ.

Эҳтимол, бир нафас кечди бу ҳолат,

Эҳтимол, кечгунча ботиб кетди моҳ.

Бир савол қўйганди уни гангитиб,

Фикрига яшиндай урилди ўша.

... Фронтдан қайтганда ётарди руҳсиз

Хувиллаган ҳовли,

Кимсасиз гўша.

... Мурти сабза урган, тийрак талаба

Кўл кўтариб туриб кулдию хийл,

— Овлангиз ҳақида сўзлаб берсангиз,—

Дей ташлаб қолди қалгис бир савол.

— Холадоним катта,— деди тиклаб қад.

Яшаш гоҳо ширин, гоҳида тахир.

Ҳар кун палов есанг, кўнглинг қолади,

Фарзанд ҳам бир талай: бир жон, бир бағир.

Сўнгра оғир нафас олдию секин—

Нойига ўтирди.

Навбат рақса.

Хаёлидан кечди ўша сўнги кун

Таҳсин ўкир экан раққоса кизга:

«Ойла. Менда ҳам бўлган бир замон—

Курчоғдай бир қизим,

Шердай ўғилчам.

Онаси кузатган кўз ёши тўкиб,

Вафодорлик ҳақида ичганча қасам.

Номини эслашга ҳазар қиламан,

(Одам нопок бўлса, гуноҳкорми ном!»

Ўғлим— Маҳмуд эди, Муҳаббат— қизим,

Хотирамда шулар, хулласи калом».

... Бу зил хотиротни унутгандай у:  
 —Сўзлай,—деди қизиқ бир гапни сизга.  
 Гўёки қўлида ҳассамас, қурол,  
 Эрк бергандай эди қуюндай ҳисга.  
 —Бир немис онанинг ўлмас мардлигин  
 Ўрни келиб қолди, сўзладим.  
 Зал жим.  
 (Кураш майдонида чол-ла ҳамқадам,  
 Йигит ҳам борарди гўё ўқувчим).  
 Она—ҳамма юртда она! Мўътабар!  
 У бировга зарра тиламас ёмон.  
 Адолат кучига, тинчлик кучига  
 Ўшанда яна бир келтирдим имон.  
 ... Ўғли ўн олтига ўтар ўн бешдан,  
 Тўсатдан тинчини бузди чақирув,  
 Она шу кечаси ухламай чиқди,  
 Урушни лаънатлаб тонг оттирди у.  
 Орадан кун ўтиш, икки, беш... олти...  
 Маъмурлар келдилар, уришдилар дўқ.  
 Она кўкси билан тўсди боласин,  
 Аввал деди: «Ҳали ёши тўлган йўқ!»  
 Буоқ Галабанинг чексиз сурури  
 Онам қалбига ҳам тўлдирди фарах.  
 Алвон байроғимиз шуълаларига  
 Чулганиб борарди жафодийда чарх...  
 Икки шердай ўғлин армони, гами  
 Онам қаддин этган бу шафқатсиз зарб.  
 Қуш каби жуссаси тоғдай кўринар,  
 Армонлар бир тараф, онам бир тараф.  
 Қаранг, яна чойни ичволиб, аста  
 Далага йўл солар ёшлардай бардам.  
 «Кўйинг энди»,—десам,  
 «Биз меҳнат билан—  
 Ҳар қандай ғурбатни енгамиз», болам!  
 Дёйдилар.  
 Сўзини қайтариб бўлмас.  
 Кузатиб қоламан.  
 Узоқлар қадам.  
 «Бу кенг далалардан,  
 Жаннат чамандан  
 Айрила оларми ҳеч соф дил одам!»  
 «Қора кунлар ўтди.  
 Қора ниятлар

Ўзи қазган чоҳга йиқилди ўзи».  
... Шаҳид ўғилларин кепқоларми деб,  
Теварак-атрофга жовдирар кўзи...

\* \* \*

Тақдирдан миннатдор,  
Умридан рози,  
Гарчи ҳали дилда битмаган яра.  
Назаримда, ёши улғайган сари,  
Яшариб бормоқда бахтдан тобора.  
Сочига қировлар қўнган, онажон,  
Минглаб оналарнинг Сиз ҳам бирисиз.  
Ватаним бунчалар бўлмасди гўзал  
Сиздек оналарнинг ўғилларисиз!  
Бир сўз ўлим билан баробар бу пайт,  
Мангу кўз юмишга бир зарб кифоя.  
Она кўзларида чақнаб турарди.  
«Ўғлим ваҳший эмас!» деган ҳур гол.  
Маъмурлар билдики, она сўзи—сўз.  
Судрашиб, кўчада отиб ташлади.  
Ғазаб қотганича қорачиғларда,  
Қолганди она ва бола жасади.  
Биз немис қишлоғин озод қилганда,  
Ётарди онаю ўғил—бағри қон.  
Демак, бошда қилич ярқираса ҳам,  
Ўзлигин йўқотмас экан чин инсон!

\* \* \*

Тақдирнинг бешафқат кўчаларида  
Бу қандай тасодиф?  
Бу беомон куч?  
Қоришиб борарди севинч ва қайғу,  
Бобо ва набира келган эди дуч.  
Қизи Муҳаббатнинг ўғли эди бу,  
Вафога сўз бермиш унга Моҳирўй.  
Набираси қайтгач, ўзи бош бўлиб,  
Эл-юртга ош берар, қилар катта тўй.  
... Шундай паллаларда фикримни чулғар  
Онамнинг ўша чин, оддий сўзлари.  
Энг мушкул чоғда ҳам содиқ қоларлар  
Сўзига ҳақиқий оналар бари!

## МУНДАРИЖА

«Барқут кеча. Тўлиқ ой порлаб . . . . .»	3
«Осмон тиниқ ёз кечалари...» . . . . .»	3
«Акам қайтди сафардан...» . . . . .»	4
«Йўл бўйида бир тошни кўрдим...» . . . . .»	4
«Мен уйғониб кетдим кечаси...» . . . . .»	5
«Авзойи бузилди...» . . . . .»	5
«Урушдан-ку қайтди отамиз...» . . . . .»	6
Иш ҳақида икки шеър . . . . .»	6
«Рўмолинг учини тортқилаб...» . . . . .»	7
Сичқон ва сичқон инидаги одам ҳақида баллада	7
Ўлмаслик ҳақида баллада . . . . .»	11
«Тўсатдан кечаси...» . . . . .»	12
«Курсиман . . . . .»	13
Мажнунтол . . . . .»	13
Ғазал . . . . .»	14
«Дарёдан эшитилар...» . . . . .»	14
«Ҳовлимизга яқин ўрикзор...» . . . . .»	15
«Қалин қор тугади...» . . . . .»	16
«Жанг тугади...» . . . . .»	16
«Баргин тўккан...» . . . . .»	16
«Бегоналик соя солди ўртага...» . . . . .»	17
«Гул атри таралар...» . . . . .»	17
Номозшомгул . . . . .»	17
«Сен менга дафъатан...» . . . . .»	18
«Мен ўзингга ишонгандим чин...» . . . . .»	18
Дилимда мавж урар шодлик . . . . .»	19
Умид . . . . .»	19
Лаҳза-лаҳза . . . . .»	20
Сўз жуфтламоқ . . . . .»	20
Алдаган қиз шеъри . . . . .»	22
Актёр монологи . . . . .»	22
«Ҳар шоир қалбининг...» . . . . .»	24
Куз ва қиз . . . . .»	25
Чегара . . . . .»	25
Қатралар . . . . .»	27
Гамлетнинг отаси арвоҳи билан учрашуви . . . . .»	29
«Бу фожиа...» . . . . .»	31
«Яхши одам...» . . . . .»	32
Бир сўм пул ҳақида ривоят . . . . .»	32
«Укажоним, бу дунё...» . . . . .»	36
Қалин қор...» . . . . .»	37
«Яхшилик...» . . . . .»	37

«Улуғбек дунёнинг...» . . . . .	38
«Болаликда бўлган...» . . . . .	38
«Шохларда қуш ухлар...» . . . . .	39
«Мактабда тантана...» . . . . .	41
«Дарахт танасида...» . . . . .	41
Синов (поэма) . . . . .	42

Литературно-художественное издание

**Усманджан Шукуров**  
**Цветок яблони**  
СТИХИ

Художник **А. Бахрамов**

Книга издается в счет экономии бумаги

Тошкент, издательство Литературы и искусства  
им. Гафура Гуляма, 1988

На узбекском языке  
Адабий-бадий нашр

**Усмонжон ШУКУРОВ**

**ОЛМА ГУЛИ**

шеърлар

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилди.

Муҳаррир **М. Юсупов.**

Расмлар муҳаррири **А. Мамажонов.**

Техн. муҳаррир **Э. Саидов.**

Мусаҳҳиҳ **О. Турдибекова**

ИБ 4231

Босмахонага, берилди 20. 11. 89. Босишга рухсат  
отилди 26.12.90. Ўлчамлари 70x90/32

Босмахона қоғози №2. Адабий гарнитур. Юқори  
босма. Шартли босма тобоғи 2,05. Шартли кр.—  
оттиск 2,48. Нашр тобоғи 2,7. 5000 Жамъ нусха  
7602 рақамли буюртма. Баҳоси 30 т. 70—88  
рақамли шартнома. Гафур Гулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР матбуот Давлат комитети  
Қашқадарё вилояти босмахонаси, Карл Маркс  
хйёбони, 22.